**Ходимлар ойлик иш ҳақи.**

| № | Лавозим | Сони | Бир ойлик иш хаки (минг сўм) | Бир ойда (минг сўм) | Бир мавсумда - 4 ой (минг сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бошлик | 1 | 700 | 700 | 2 800 |
| 2 | Ҳисобчи | 1 | 700 | 700 | 2 800 |
| 3 | Ишчилар | 2 | 700 | 1 400 | 5 600 |
| | **Жами :** | **4** | | **2 800** | **11 200** |

**Ишлаб чиқариш даромад ва харажатлари**

| | Кўрсатгич | Ўл-чов бир-лиги | Миқ-дори | Нархи (минг сўм ) | 1 ойда (минг сўм ) | 1 мавсум - 4 ой (минг сўм ) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ишчилар сони | Киши | 4 | | 2 800 | 11 200 |
| | **Шу жумладан** | | | | | |
| | Иш хаки фонди 12% ажратма | сўм | | | 336 | 1 344 |
| | Иш хақи фондидан даромад солиғи 12 % | сўм | | | 336 | 1 344 |
| 2 | Бошқа харажатлар | сўм | | | | 4 278 |
| | **Жами харажатлар** | **сўм** | | | | **15 478** |
| | **Маҳсулот сотувидан тушган маблағ** | | | | | |
| 1 | Маҳсулот уруғи | кг | 200 | 40 | | 8 000 |
| | Кўк масса | кг | 70 тонна | 900 | | 63.000 |
| | **Жами** | | | | | **71 000** |
| 2 | Ягона солиғи 5 % | сўм | | | | 3 550 |
| | **Соф фойда** | | | | | **51 972** |


**Савдо-саноат палатасининг марказий аппарати**
Тошкент ш 10047, А. Темур шох к. 4
Тел: 71 150-60-06
Ишонч телефон 1094
Web-site: www.chamber.uz
E-mail: info@chamber.uz

**Қорақалпоғистон Республикаси**
Нукус ш. А.Темур к. 112 А уй
Тел: (0-361) 770-71-01
Факс: (0-371) 770-71-01
E-mail: qr@chamber.uz

**Андижон вилояти**
Андижон ш. А.Навоий к. 122 уй
Тел: (0-374) 298-11-01
Факс: (0-374) 298-11-01
E-mail: an@chamber.uz

**Бухоро вилояти**
Бухоро ш. Мустакиллик к. 1А уй
Тел: (0-365) 770-11-01
Факс: (0-365) 221-59-06
E-mail: bx@chamber.uz

**Жиззах вилояти**
Жиззах ш. Ш.Рашидов к. 14 уй
Тел: (0-372) 771-11-01
Факс: (0-372) 226-24-47
E-mail: jz@chamber.uz

**Қашқадарё вилояти**
Қарши ш. Мустакиллик к. 22 уй
Тел: (0-375) 771-11-01
Факс: (0-375) 227-78-16
E-mail: qr@chamber.uz

**Навоий вилояти**
Навоий ш. Меъморлар к. 33 уй
Тел: (0-436) 770-31-01
Факс: (0-436) 770-31-01
E-mail: nv@chamber.uz

**Наманган вилояти**
Наманган ш. У.Носир к. 7 уй
Тел: (0-369) 227-21-01
Факс: (0-369) 227-27-54
E-mail: na@chamber.uz

**Самарқанд вилояти**
Самарқанд ш.
А.Навоий к. 58 уй
Тел: (0-366) 210-11-01
Факс: (0-366) 210-11-01
E-mail: sn@chamber.uz

**Сурхондарё вилояти**
Термиз ш.
Ат-Термизий к. 2 уй
Тел: (0-376) 298-11-01
Факс: (0-376) 298-11-01
E-mail: sd@chamber.uz

**Сирдарё вилояти**
Гулистон ш.
Қахрамонлар к. 1 уй
Тел: (0-367) 235-02-81
Факс: (0-367) 235-02-81
E-mail: sr@chamber.uz

**Тошкент вилояти**
Тошкент ш.
Қора-су йўли к. 118 уй
Тел: (0-371) 202-21-21
Факс: (0-371) 150-91-01
E-mail: tv@chamber.uz

**Фарғона вилояти**
Фарғона ш.
Б.Марғилоний к. 58 уй
Тел: (0-373) 244-52-87
Факс: (0-373) 244-60-02
E-mail: fa@chamber.uz

**Хоразм вилояти**
Урганч ш.
Баходирхон к. 183 уй
Тел: (0-362) 770-51-01
Факс: (0-362) 770-51-01
E-mail: xz@chamber.uz

**Тошкент шахри**
Тошкент ш.
Шахзисабз к. 142 уй
Тел: (0-371) 236-25-47
Факс: (0-371) 236-03-53
E-mail: th@chamber.uz


**ЎЗБЕКИСТОН**

**САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ**



**БУЮК**

**КЕЛАЖАКНИ**

**БИРГА**

**ҚУРАМИЗ!**

**Тошкент 2020**

## АМАРАНТ



**Амарант** — Amaranthus амарантдошлар — Amaranthaceae оиласига киради. Бўйи 2—3 метр келадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Поясининг йўғонлиги 8—10 сантиметр, барги чўзиқ ва эллипссимон бўлиб, пояга узун банди билан кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, кўримсиз бўлиб, йирик ярим метргача борадиган супургисимон гул тўпламини ҳосил қилади. Уруғи майда шарсимон қўнғир ѐки сариқ рангда бўлиб, 1000 донасининг вазни 0,4—0,6 грамм келади. Бир туп ўсимлик 0,5 килограммгача уруғ бериши мумкин. Уруғининг ости ялтироқ бўлади. Июнь ойида гуллайди, уруғи июлда етилади.

### Амарантни етиштириш технологияси

Амарант иссиқсевар ва ѐруғсевар ўсимлик ҳисобланади. Амарант ўсимлиги экиладиган майдонлар кузда 25—28 см чуқурликда ҳайдаб қўйилади. Ер ҳайдаш олдидан органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Эрта баҳорда ерлар текисланиб, бегона ўтлардан тозаланади. Амарантни экишни барқарор илиқ об-ҳавода (апрель-май ойларида), тупроқнинг уруғ тушган чуқурлиги 10—12 градусгача қизиган пайтда ўтказиш тавсия қилинади. Амарантнинг уруғи қаттиқ парда билан қопланганлиги учун унга етарли миқдорда сув талаб қилинади. Амарантни қатор оралари юмшатиладиган экин турлари каби, қатор оралари 30, 45, 60 см эгатларга, уруғ олиш учун экиладиган майдонларда эса 70 см ли эгатлар олиб экилиши маъқул. Қатор оралари 60 см кенгликда бўлганда амарантни гектарига ўртача 1—2 кг уруғ экиш тавсия қилинади. Агар қатор оралари 45 см дан эгат олиниб экилса ўсимликнинг экиш нормаси 10—15% га кўпаяди. Уруғларни экишда намланган ғалвирдан ўтказилган қум, чириган гўнг, суперфосфат ва бошқа маҳсулотлардан уруғни тўлдирувчи сифатида улар 1 : 10 ѐки 1 : 5 нисбатда фойдаланилади. Амарантни уруғини экиш учун сабзавот экадиган сеялкалардан фойдаланилади. Улар бир вақтда қатор оралари 60—70 см ли суғориладиган эгатларни тайѐрлаб кетади. Ҳар бир метр масофада 25—30 та яхши ривожланган майсаларнинг мавжудлиги экишдаги энг яхши қалинлик ҳисобланади. Уруғликка экилган майдонларда ўсимликнинг қалинлиги 15—20% га кам бўлиши мумкин. Амарант экилган майдонларда қолдирилган кўчатлар гектаридан 600—700 центнер кўк масса ва 1—2 центнер уруғ етиштириш учун етарли ҳисобланади. Амарант ўсимлигини парвариш қилиш мураккаб жараѐн бўлмасдан барча экиб ўстириладиган ўсимликларнинг агротехникасига ўхшаш. Қатқалоқни экишдан 4—6 кун кейин енгил юмшатгичлар ѐрдамида ишлаш керак. Дастлабки 2—3 ҳафтада асосий эътиборни майсалар униб чиққандан кейин бегона ўтларни йўқотиш қатор ораларини юмшатиш ва ягана қилишга қаратмоқ керак. Ўсимликларни бўйи 10—15 см га етганда қатор ораларини ишлаш билан бирга уларнинг ривожланишини тезлаштириш мақсадида гектар ҳисобига 40 кг дан азот ва 20 кг дан калий ўғити бериб, 5—6 см чуқурликда культивация ўтказилади. Иккинчи озиқлантириш ўсимликнинг бўйи 30—35 см га етганда гектарига 30 кг дан азотли ва фосфорли ўғитлар билан озиқлантирилади. Ўсимликни озиқлантириш албатта суғоришдан олдин амалга оширилади. Уруғи етилгандан сўнг ўсимлик ўриб олиб қуритилади, сўнгра майдаланади ва элаб уруғи олинади.

### Маҳсулот тайёрлаш

Уруғи етилгандан сўнг ўсимлик ўриб олиб қуритилади, сўнгра майдаланади ва элаб уруғи олинади.

### Ишлатилиши

Амарантнинг баргида 30 фоизгача оқсил модда ва 270—350 мг/кг коратин тутади. Уларнинг таркибида рибофловин, поли витаминлар аскорбин кислота, K, E, D ва бошқа витаминлар бор.

Амарант мойи меъда ва ичак яраларини даволаш хусусиятига эга бўлиб, тери касалликлари, қирқилган яраларни битишини тезлаштириш учун ва нур касаллиги билан оғриган беморларни даволашда қўлланилади. Унинг мойи облепиха мойидан қолишмайди. Амарантнинг уруғи тиббиѐтда рак касаллигидан ҳосил бўлган хавфли ўсмалар ўсишини олдини олиш ва сўрилиб кетишига ѐрдам беради. Амарант ўсимликнинг барги, уруғи ҳамда пояси шифобахш ҳисобланиб, уни анемия, атероскелероз, аденома, геморрой ҳамда турли хил юрак-қон томирлари зарарланишида, жигар ва буйрак функциялари бузилишида кенг қўллаш мумкин. Айниқса, амарант организмни яхлит соғломлаштириш, ёшартириш ва қувватлантириш мақсадида кенг қўлланилади. Бундан ташқари, амарант уруғи соч тўкилиши ва оқаришига қарши восита ҳисобланади.

### Пул маблағини йўналтириш

| Т/р | Сотиб олинадиган мулк ва хом ашёлар | Миқдор | Ер майдони | Сотиб олиш бахоси (минг сум) | Жами Суммаси (минг сум) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Амарант уруғи | 2 кг | 1га | 40 | 80 |
| 2. | Органик ўғит | 10 тонна | 1га | 0.125 | 1 250 |
| 3 | Фосфорли ўғит | 100 кг | 1га | 2,1 | 210 |
| 4. | Азот ўғит | 130 кг | 1га | 2,1 | 273 |
| 5. | Калийли ўғит | 50 кг | 1га | 6,3 | 315 |
| 6. | Ер ҳайдаш | 1 марта | 1га | 300 | 300 |
| 7. | Культивация | 3 марта | 1 га | 50 | 150 |
| 8. | Суғориш | 7 марта | 1га | 100 | 700 |
| 9. | Бошқа харажатлар | | | | 1 000 |
| | **Жами:** | | | | **4 278** |